

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ МО 5-62
20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
20 13 йил “Хо.” дикоубе даги
484 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган

Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва дизайн

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва ихтинослик фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишиининг ўкув дастури

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил “20” декабрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар: ТТЕСИ проф. Х.Х.Комилова, проф. А.М.Салимов,
доц. М.К.Расулова,
п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори,
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ хузуридаги минақавий марказ директори.

Такризчилар: ТТЕСИ проф. М.М.Шукров,
«Ўзбекенгилсаноат» ДАҚ бўлим бошлиғи,
т.ф.н. А.Абдуллаев.

Ўқув дастурлари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Илмий кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 25 ноябрдаги 4-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, илмий тадқиқотлар ўtkазишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билин бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишини, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндошувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳукуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Енгил саноат техника ва технологиясида инновациялар.
- Енгил саноат буюмларини лойиҳалаш ва дизайн йўналишидаги илмий муаммолар.
- Енгил саноатдаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Енгил саноат технологияси ва дизайн фанининг дидактик таъминоти.
- Либос дизайнни.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва дизайн” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва дизайн” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёrlаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;

- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулокот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини;
- енгил саноат техника ва технологияларини;
- енгил саноатдаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланишни;
- стандартлаштириш ва сертификатлаштириш асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шаклларини танлаш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишни;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- енгил саноат техника ва технологияларидан фойдаланиш;
- енгил саноатдаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш **кўнимкамларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- енгил саноат техника ва технологиясида инновациялар;
- енгил саноат буюмларини лойиҳалаш ва дизайн йўналишидаги илмий муаммолар;
- енгил саноатдаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш;
- енгил саноат технологияси ва дизайн фанининг дидактик таъминоти;

- либос дизайнни;
- стандартлаштириш ва сертификатлаштириш асослари бўйича **малакаларга** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик групҳуларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини туталлаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва дизайн» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамиятнинг ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хукукий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўрикномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

II. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари.

Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристики. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогка қўйилаётган замонавий талаблар, дидактик воситалар ва улардан фойдаланиш. Ўқитиши методлари. Маъруза, амалий дарс, лаборатория ва семинарларда ўқитиши технологиялари лойиҳалаш методи. Кейс стади талабаларни кичик гурухларда ишлашини ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва

маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойихалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрьдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахасисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган Интернет матнларининг асосий гоясини тушуниш. Тажрима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмuni ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6.Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усууллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усууллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

2.7. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-хукукий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлашириш.

Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Енгил саноат техника ва технологиясида инновациялар.

Енгил саноат техника ва технологияларини ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари ва уларнинг таҳлили. Енгил саноат корхоналарига қўйиладиган замонавий талаблар.

Енгил саноатдаги хорижий техника ва технологиялар. Улардан фойдаланиш бўйича инновациялар. Енгил саноатдаги техника ва технологияларни фарқлари, афзаллик ва камчиликлари.

Енгил саноатда юқори сифатли кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Бу вазифани бажариш учун моделларни автоматик равишда тайёрлаш, янги кам операцияли технологияларни жорий қилиш, тикув буюмларнинг асосий хилларига унификациялашган технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришда энг янги жиҳозлар, автомат ва ярим автоматларни кўллаш. Ишлаб чиқилган кийимларни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш учун енгил саноат техника ва технологияларига инновацияларни жорий этиш.

3.2. Енгил саноат буюмларини лойиҳалаш ва дизайн.

Енгил саноат буюмларини лойиҳалаш ва дизайн йўналиши самарадорлигини таҳлили.

Енгил саноат буюмларини лойиҳалаш учун жорий этилаётган техника ва технологиялар, уларнинг таҳлили. Енгил саноат корхонасига қўйиладиган асосий талаблар.

Енгил саноатни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш.

Енгил саноатда тикув ва тикув-трикотаж буюмларини лойиҳалаш ва дизайнни замонавий усуллари. Компьютерли автоматлаштирилган тизимларда

кийимларни лойиҳалашнинг таҳлили. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари сифатининг назорати ва бошқариш техника ва технологиясидаги камчиликлар, илмий амалий муаммолар ва уларни ечиш йўллари.

Енгил саноатда муаммоларнинг пайдо бўлишига бир неча сабаблар мавжуд: маҳсулотни керагидан ортиқ тўплангани, буюмларни тез маънавий эскириши, ишлаб чиқариш цикли ва мода циклини носинхронлиги.

Енгил саноат буюмларини лойиҳалаш ва дизайн йўналишидаги муаммолар ўрганилиб илмий асосда ечими топилиб амалда қўлланилади.

Енгил саноат техника ва технологияларини ривожлантиришга оид амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар.

3.3. Енгил саноатдаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш.

Енгил саноатдаги замонавий жиҳозлар. Хорижий техника ва технологиялар ва уларни ривожланиш тенденцияси ва йўналишлари. Енгил саноат маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни. Енгил саноат корхоналаридаги материалларни тўшаш ва бичиш жиҳозлари, тикув машиналари, ярим автоматлари, автоматлари, намлаб-иситиб ишлов берувчи замонавий жиҳозлар. Замонавий электрон бошқарувли тикув машиналари, ярим автоматлари, автоматлари замонавий намлаб-иситиб ишлов берувчи жиҳозлари, замонавий ўқув ишлаб чиқариш жиҳозларининг тузилиши ва ишлашининг таҳлили. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибалар. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий жиҳозларни тадбиқ этиш йўналишлари. Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жиҳозларини танлаш ва улардан фойдаланиш тажрибалари.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Материалшунослик.

Тўқимачилик материалшунослиги, тўқимачилик материаллари, тўқимачилик толалари, иплари ва тайёр маҳсулотларнинг олиниши, уларнинг тузилиши, хусусиятлари. Тикувчилик газламаларининг хусусиятлари. Тикувчилик газламаларининг нави, кийим материаллари. Кимёвий толалар ва иплар, табиий ипак иплари, сунъий ва аралаш толалар ва уларнинг тузилиши. Ушбу толалардан олинган газламалар хусусиятлари.

4.2. Либос дизайнни.

Ўзбек миллий либосларинининг турлари, қўлланган матолари ва нақшлари, безаги. Бичими билан танишиш ва тикиш технологияси. Либос дизайнига қўйилган замонавий талаблар.

Буюм мұхитини яратиш муаммоси. Жамиятнинг маданий асоси билан чамбарчас боғлиқлиги ва унинг азалларини, маданият даражасини, бадий-эстетик интилишларини ва идеалларини ифодалаган ижтимоий муаммоси.

Дизайнерларнинг маҳорати, дизайнер вазифаси, кўпфункцияли, маълум истеъмол гуруҳига мўлжалланган ва талабларини қондирадиган буюмларни яратиш. Либос дизайнериининг жамият олдида маъсулияти.

V. Танлов фанлари модули

Енгил саноат маҳсулотлари технологияси ва дизайн йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, Енгил саноат техника ва технологиясида инновациялар, енгил саноат буюмларини лойихалаш ва дизайн йўналишидаги илмий муаммолар, енгил саноатдаги замонавий жиҳозлар ва улардан фойдаланиш, енгил саноат технологияси ва дизайн фанларининг дидактик таъминоти, либос дизайнни, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш асослари мавзулари доирасида олиб бориш. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини хисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойихалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;

- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:

1. Аralаш толали газламалардан аёллар кўйлагини тақилмасига ишлов бериш технологияси.
2. Аralаш толали газламалардан эркаклар кўйлагини яширин тақилмасига ишлов бериш технологияси ва дарс ўтиш методикасини яратиш.
3. Андозалар сатҳини аниқлаш бўйича дарс ўтиш методикаси.
4. Газлама сарф нормаси турлари ва уларни аниқлаш.
5. Эркаклар пальтосида яшириш тақилмали бортга ишлов бериш технологияси.
6. Устки кийимларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиши.
7. Махсус кийимларни лойиҳалаш технологиясини такомиллаштириш.
8. Тарихий, ўзбек халқ ва замонавий костюмлар шаклини таҳлил этиш.
9. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий лойиҳалаш усуллари.
10. Устки кийимларни ишлаб чиқариш технологияси таҳлили.
11. Аёллар пальтосида ағдарма чокли ёқага ишлов бериш технологияси.
12. Эркаклар пиджагида кўйма чокли ёқага ишлов беришни такомиллаштириш.
13. Қопқоқли орқа чўнтакка ишлов бериш усуларини таҳлили.
14. Молния тасмали шим тақилмасига ишлов бериш технологияси.
15. Манжетли ва манжетсиз шим почасига ишлов бериш йўллари.
16. Аёллар шимининг тақилмасини замонавий лойиҳалаш.
17. Аёллар курткасига енг тикиш технологиялари.

18. Эркаклар курткасини лойихалаш усуллари.
19. Ўғил болалар кўйлагини ёқасига ишлов бериш технологияси таҳлили.
20. Аёллар ёзги юбкасига ишлов бериш технологияси ва таҳлили.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг кўлланилиши:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори

22. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
23. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002й. 218 б.
24. Комилова Х.Х., Хамроева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш» Т.: «Молия» 2003, - 173 б.
25. Хасанбоева Г.К. Костюм тарихи – Т. : Ўзбекистон, 2002, - 314 б.
26. Расурова М. «Тикув буюмлари технологияси» Т.: 2006, - 251 б.
27. Кокеткин П.П. Одежда: Технология-техника, процессы-качество. М.: Изд. МГУДТ, 2001, - 193 б.
28. Кокеткин П.П. , Сафронова И.В., Кочегура Т.Н. Одежда: технология – качество. М.: Издательство «Спутник», 2001, - 175 б.
29. М. Ш. Жабборова «Тикувчилик технологияси», Олий ўқув юртлари учун дарслик .Т.: «Ўзбекистон» 1994, - 317 б.
30. Швейная промышленность. Журнал
31. Мода журналлари.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. www.press-uz.info
8. <http://www.uforum.uz/>
9. <http://www.xabar.uz>
10. www.ziyonet.uz
11. www.edu.uz
12. www.pedagog.uz
13. www.tdpu.uz
15. www.legprominfo.ru
16. www.textil-press.ru
17. www.fatex.ru
18. www.vzerkale.ru